

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.28.12.2017.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЛИМОВА НОДИРА БАТИРДЖАНОВНА**

**ФОТО- ВА ИНЖЕКЦИЯ-ВОЛЬТАИК ЭФФЕКТЛАР ҚЎЛЛАНИЛИШИ**  
**АСОСИДА РАДИОТЕХНИК ЭЛЕМЕНТЛАР, ТУГУНЛАР ВА**  
**ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

**05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари**  
**ва қурилмалари. Мобиль, толаоптик алоқа тизимлари (техника соҳаси)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of sciences (DSc)  
on technical sciences**

**Алимова Нодира Батирджановна**

Фото- ва инжекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосида радиотехник  
элементлар, тугунлар ва қурималарнинг тузилиш тамойиллари ва усуллари....3

**Алимова Нодира Батирджановна**

Принципы и методы построения радиотехнических элементов, узлов и  
устройств на основе использования фото- и инъекционно-вольтаических  
эффектов.....25

**Alimova Nodira Batirdjanovna**

Principles and methods for constructing radio technical elements, assemblies and  
devices based on photo- and injection-voltaic effects.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.28.12.2017.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЛИМОВА НОДИРА БАТИРДЖАНОВНА**

**ФОТО- ВА ИНЖЕКЦИЯ-ВОЛЬТАИК ЭФФЕКТЛАР ҚЎЛЛАНИЛИШИ**  
**АСОСИДА РАДИОТЕХНИК ЭЛЕМЕНТЛАР, ТУГУНЛАР ВА**  
**ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

**05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари**  
**ва қурилмалари. Мобиль, толаоптик алоқа тизимлари (техника соҳаси)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.DSc/T305 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетидеда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Арипов Хайрулла Кабилович</b> физика-математика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Раджабов Тельман Дадаевич</b> физика-математика фанлари доктори, профессор, академик <b>Рахимов Бахтиёржон Неъматович</b> техника фанлари доктори <b>Ташманов Эржан Байматович</b> техника фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент темир йўл муҳандислари институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.T.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

\

**И.Х. Сиддиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., проф.

**Ж.Х. Джуманов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доц.

**А.Абдуқаюмов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги.** Жаҳонда сўнгги вақтларда кенг ривожланаётган микроэлектроника соҳасида юқори ишчи токли, паст кучланишли, кам қувватли, барқарор параметрларга эга бўлган радиотехника тизимларини фото- ва инъекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосидаги элементлари, тугунлари ҳамда қурилмаларини тузиш тамойиллари ва усулларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, ишчи тоқларни ошириш ва кичик қувватни истеъмолини таъминловчи кичик кучланишларни ҳосил қилиш фото- ва инъекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосида ишлайдиган радиотехник элементлар ҳамда қурилмалар параметрларини турғунлигини оширишнинг янги усулларини ишлаб чиқишни талаб этади ва буларни барчаси замонавий микроэлектрониканинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ҳозирги кунга келиб кучайтиргичли яримўтказгичли тузилмалар ва комплиментар транзисторларда кечадиган фото- ва инъекция-вольтаик эффектларни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада берилган параметрларга эга ток ва кучланиш генераторларини яратиш мақсадида ва кейинчалик бу эффектларни электрон қайта уланувчи ячейкаларга мослаштириш, ҳамда гомоўтишли ва гетероўтишли таркибий транзисторлар параметрлари турғунлигини ошириш, ва ниҳоят, чиқишдаги сигнали бузилмаган, фото- ва инъекция-вольтаик эффектларга асосланган радиотехник қурилмаларни яратиш каби тадқиқотларни олиб бориш замонавий схемотехника санъатининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда ишлаш сифати ва самарадорликни ошириш учун янги замонавий эффект, ҳодиса ва жараёнларни қўллаш асосида турли мақсадлардаги радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш, ...ахборот-коммуникация технологияларни иқтисод, ижтимоий соҳа, бошқариш тизимларига жорий этилиши”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Диссертация тадқиқотлари натижалари маълум даражада мазкур вазифаларни амалга оширишга ҳизмат қилади, жумладан, радиотехник қурилмаларнинг катта қувватли чиқиш каскадлари ва яримўтказгичли қайта уланувчи асбоблар асосидаги кучли ток коммутаторларининг турғун ишлаши муаммоларини ечиш, ҳамда мантиқий сатҳ кучланишларини 1 В ва ундан паст қийматга пасайтириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682 “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожининг III. “Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозлиги ривожланиши” ва IV. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш” устувор йўналишлари доирасига киради.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Жаҳон миқёсидаги илмий тадқиқотлар доирасида таркибий фототранзисторларни яратишга қаратилган етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан: Institute of Electrical and Electronics Engineers, Massachusetts Institute of Technology, The American Institute of Physics, Cambridge University (АҚШ), Physics and Materials Research (Франция), Technical University Munich, Technical University Darmstadt (Германия), The University of Tokyo, Tokyo Institute of Technology (Япония), Seoul National University (Жанубий Корея), Алоқа марказий илмий-тадқиқот институти ва унинг филиаллари, Соҳалараро илмий-ахборот маркази, Москва алоқа ва информатика техника университети, Радио илмий-текшириш институти ва унинг филиаллари (Москва, Россия), А.Ф. Иоффе номидаги Физика-техника институти (Санкт-Петербург, Россия), ЎзР ФА “Физика-Қуёш” ИИЧБ Физика-техника институти, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат техника университетиди (Ўзбекистон) кенг камровда изланишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда фото- ва инъекция-вольтаик эффектлар асосида ишлайдиган радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларни яратиш юзасидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, кўп қатламли яримўтказгичли тузилмаларда фото- ва инъекция-вольтаик эффектлар орасидаги аниқланган боғлиқлик асосида фотоэлектрик элементларнинг турли технологиялари ишлаб чиқилган, хусусан, мис-индий-галлий селениди

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: K. Nakajima, N. Usami, Sze S.M. Fundamentals of Semiconductor Fabrication. John Wiley & Sons, Inc., New Jersey, 2004. 305 p., Ж.И. Алферов, В.М. Андреев, В.Д. Румянцев. ФТП, 2004, том 38, вып. 8, С. 937-948., Rumyantsev V.D. Concentrator Photovoltaic. SSOS, 2007. P. 130-151., Muller M, Deline C., Marion B., Kurtz S., Bosco N. AIP Conf. Proc., 2011. P. 331., Zh. I. Alferov, “The semiconductor revolution of the 20th century”, Russian Chem. Reviews, 82:7 (2013). P. 587–596 ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган .

ва катта ҳажмда ишлаб чиқариш билан мувофиқлашган кадмий теллуриди (University of Florida, State University of New York, Heriot-Watt University, Edinburgh UK), таркибида субстрат бўлган фотоэлектрик элементларнинг юпка пардали катаклари: асосдаги дастлабки диэлектрик парда; биринчи диэлектрик қатламдаги фаол қатлам, тушаётган тўлқин узунлигининг биринчи диапазонидаги нурни боғлаш учун плазмоник (Санкт-Петербург политехника институт, Россия), тинч ҳолат токи автоматик ростланадиган қувват кучайтиргичларининг янги тури таклиф этилган (Тошкент ахборот технологиялари университети), оптик нур қабул қилгичларни яратишда ишлатиладиган аномал фотокучланишга эга бўлган яримўтказгичли пардаларнинг фотоэлектр хоссалари тадқиқ этилган (Сибирь давлат геодезия академияси), қуёш элементлари самарадорлигини ошириш учун юқори энергетик фотонларни термолизациясига асосланган қуёш фотоўзгартиргичларида киритмалли фото-вольтаик эффектни қўллаш ва қувват йўқолишини камайтириш (ЎзР ФА “Физика-Қуёш” ИИЧБ Физика-техника институти томонидан) таклиф этилган.

Рақамли катта интеграл схемаларни яратиш кичик кучланишли мантиқий элементларини ишлаб чиқиш истиқболли илмий тадқиқотлар йўналишларидан бири ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда концентраторли қуёш элементларида фото-вольтаик эффектлар, икки ўлчамли электрон газларга эга бўлган майдоний ҳамда электронлар ҳаракатчанлиги юқори бўлган тузилмалли транзисторлар К. Nakajima, N. Usami, T. Mimura (Япония), D. Delagebeaudeuf, P. Deleseluse (Франция) ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Россиялик олимлар Ж.И. Алферов, В.М. Андреев, В.Д. Румянцев ва бошқалар томонидан нурланишларнинг моддалар билан таъсири ва яримўтказгичларнинг оптик хоссаларини тажрибада тадқиқ этиш усуллари таклиф қилинган бўлиб, гетероўтишлар асосидаги концентраторли қуёш элементлари, инъекцион яримўтказгичлар, кичик бўсағавий токка эга бўлган лазерлар борасида ишлар олиб борилмоқда. М. Ламперт, П. Марк, А.Н. Зюганов, С.В. Свечникова, В.И. Стрих, К.В. Шалимова каби олимлар томонидан инъекция-контакт ходисалар: яримўтказгичларда заряд ташувчиларнинг монокутбли ва иккиланган инъекцияси, шу билан бирга металл-яримўтказгич контакти, р-п ўтиш ва гетероўтишларнинг физик асослари ўрганилган.

Мамлакатимизнинг М.С. Саидов, А.С. Саидов, М.К. Бахадирханов, А.Ю. Лейдерман, М.Х. Ашуров каби олимлари томонидан галлий арсениди асосида тадқиқотлар олиб борилган ва унинг негизида турли тузилмалли фотодиодлар ҳосил қилиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Х.К. Арипов, Х.Х. Бўстонов, Е.В. Обьедков, Ж.Т. Максудов, И.Р. Фазилжанов, А.А. Ярмухамедов ва Ф.Р. Насирходжаев ишларида биполяр транзисторли ва тиристорли тузилмаларда инъекция-вольтаик эффект назарий асосланган ва тажрибада исботланган.

Аммо, фото-вольтаик ва инъекция-вольтаик эффектларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири инобатга олинган радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларнинг тузилиш тамойиллари ва усуллари амалда етарли ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялар ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг устувор илмий-техник йўналишлари режасига асосан Тошкент ахборот технологиялари университети илмий тадқиқот ишлари режасининг қуйидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган: №4-05 “Инъекция-вольтаик эффектлар асосида негиз рақамли схемаларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш” (2005-2007); №1-06 “Инъекция-вольтаик транзисторлар асосида катта қувватли кучайтиргичларни ишлаб чиқиш” (2006-2008); №1-07 “Термофото-вольтаик конверсияни қўллаган ҳолда юқори самарадорликка эга куёш энергия ўзгартиргичи модулини тадқиқ этиш” (2007-2009); №ИДА-6 “Инъекция-вольтаик ва фото-вольтаик эффектлар асосида телекоммуникация қурилмаларининг аналог ва рақамли схемаларининг негиз элементларини яратиш” (2007-2009); №Ф-249-08 “Кўп звеноли каскодли инъекция-вольтаик транзисторлар асосида яримўтказгичли куч электроникаси элементларини ишлаб чиқиш” (2008-2010); № 3-11 “Оптоэлектрон ахборот ўзгартиргичлар” (2012-2014) ва БВ Ф3-004 “Кўпқатламли гетеротузилмаларда фото- ва инъекция-вольтаик эффектлар” (2017-2020).

**Тадқиқот мақсади** фото- ва инъекция-вольтаик эффектларни қўллашга асосланган радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларнинг тузилиш тамойиллари ва тадқиқот усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фото-вольтаик эффект ва инъекция-вольтаик эффектларнинг ўзаро боғлиқлиги асосидаги радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларни яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

радиотехник қурилмаларнинг иш ҳолатларини турғунлашнинг фото-вольтаик, инъекция-вольтаик ҳамда комбинацион (фото- ва инъекция-вольтаик) усуллари ишлаб чиқиш;

инъекция-вольтаик режимда ишловчи, фойдали иш коэффициенти юқори бўлган, ягона тузилмага эга бошқарилувчи ток ва кучланиш генераторини тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

инъекция-вольтаик эффект асосида ишловчи мослашувчан электрон қайта уланувчи ячейкаларни ҳамда улар негизида мантиқий элементларни яратиш усуллари ишлаб чиқиш;

гомоўтишли ва гетероўтишли таркибий транзисторлар, кўп каскадли гомоўтишли ва гетероўтишли таркибий транзисторлар, кўп бўғинли каскодли таркибий транзисторларни ишлаб чиқиш;



гомоўтишли, гетероўтишли ва каскодли радиотехник элементлар негизида кучайтиргичли фотоўзгартиргичларни яратишнинг комбинацион усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** электрон қайта уланувчи ячейкалар, бошқарилувчи ток ва кучланиш генераторлари, таркибий гетероўтишли ва гомоўтишли транзисторлар, кучайтиргичли фотоўзгартиргичлардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** радиотехник қурилмаларнинг ишлаш тамойиллари, тадқиқот усуллари, алгоритмлари ва математик моделлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида чизикли ва ночизикли электр занжирлар, кўп параметрли биполяр транзисторда бажарилган ночизикли электрон схемаларни моделлаштириш, ночизикли тенгламаларни сонли ечиш усуллари, вольт-ампер ва юклама таснифларини тадқиқ этиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотларнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фото- ва инжекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосида радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларни яратишнинг схемотехник ортиқчалик, эгизаклик, тескари алоқа, дуаллик тамойиллари ишлаб чиқилган;

радиотехник қурилмаларнинг ишчи ҳолатларини барқарорлашнинг фото-вольтаик, инжекция-вольтаик ҳамда комбинацион (фото- ва инжекция-вольтаик) усуллари ишлаб чиқилган;

инжекция-вольтаик режимда ишловчи, фойдали иш коэффициенти юқори бўлган, ягона тузилмага эга ток ва кучланиш генератори ишлаб чиқилган;

контакт потенциаллар фарқи  $0,7$  В га тенг миқдордаги ишчи кучланишда ишловчи, комплиментар биполяр транзисторларда бажарилган инвертор асосида мантиқий элементлар тайёрлаш усули исботланган;

комплиментар биполяр транзисторларда бажарилган инвертор параметрларининг ҳароратга турғунлиги ва симметрик узатиш таснифга эга эканлиги билан ажралиб туриши исботланган;

кўп бўғинли гомоўтишли, гетероўтишли таркибий ва каскодли транзисторларда коллектор токининг ўз-ўзини барқарорлаш усули асосланган;

гомоўтишли ва каскодли кучайтиргичли фотоўзгартиргичлар спектрал сезгирлик ва кучайтириш коэффициенти бўйича тузиш имконияти билан фарқ қилиши ҳамда юкламага узатилаётган қувват, коллектор-эмиттер кучланиши, ҳарорат бўйича кенг ишлаш диапазониغا эга бўлиши исботланган;

фото- ва инжекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосида ишловчи қувват кучайтирувчи фотоўзгартиргичнинг тинч ҳолатдаги токини барқарорлаш ва қўшимча сошлаш талаб этилмаслик асоси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотларнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фото- ва инъекция-вольтаик режимда ишлайдиган юқори ҳароратларга бардошли бошқарилувчи ток ва кучланиш генераторлари ишлаб чиқилган;

ишчи кучланиш 0,7 В гача пасайган кичик қийматларда қайта уланувчи кучланиш сатҳларида ишлашга мослашган рақамли схемаларни яратишга имкон берувчи комплиментар биполяр транзистор ишлаб чиқаришда қўлланилган;

юқори ҳарорат ва кучланиш манбаи ўзгарувчи шароитларда, алоҳида олинган биполяр транзисторга нисбатан каррали катта тешилиш кучланишларда ишлайдиган гомоўтишли ва гетероўтишли таркибий транзисторлар амалий қўлланилган;

юқори сезгирлик ва юқори максимал сочилиш қувватига эга гомоўтишли, гетероўтишли, каскодли кучайтирувчи фотоўзгартиргичлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** яримўтказгичли асбобларни параметр ва таснифларни назорат қилишнинг замонавий илмий ва технологик, стандарт ва синовдан ўтган усуллари билан солиштириш амалда тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фото- ва инъекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосида ишлайдиган радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларининг тузилиш тамойиллари ва усуллари бўйича янгиликлар ва билимлар доирасини кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, таклиф этилган тадқиқот усуллари яримўтказгичли ва оптоэлектрон асбобларнинг янги туркумини ишлаб чиқишда қўлланилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фото- ва инъекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосида ишловчи радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларининг тузилиш тамойиллари ва усуллари ишлаб чиқиш асосида:

ишчи кучланишлар ва ҳарорат ўзгаришларида барқарор ишлаши билан фарқланувчи комплиментар биполяр транзисторларда бажарилган инвертор “Ўзэлтехсаноат” ассоциациясининг “Фотон” АЖда жорий этилган (“Ўзэлтехсаноат” ассоциациясининг 2019 йил 31 майдаги 04-4/615-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш электрон саноат технологияларини ривожлантириш ва модернизация қилиш имконини берган;

ишчи кучланиш 0,7 В гача пасайган кичик қийматларда ишлайдиган комплиментар биполяр транзисторлар асосидаги инвертор электроника, микроэлектроника ва рақамли техника лаборатория комплекслари элемент базаси “Санк-Петербург давлат телекоммуникациялар университети қошидаги ўқув-услубий марказ” МЧЖда ҳамда телекоммуникациянинг радиотехник ва оптоэлектрон қурилмалари элемент базаси “Broadband Solution” МЧЖга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019

йил 1 ноябрдаги 33-8/7784-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларини қўллаш ишчи кучланишни 0,7 В гача камайтириш, радиотехник ва телекоммуникация қурилмаларининг импорти ўрнини босувчи қурилмалар яратиш имконини берган;

схемотехник ортикчалик, эгизаклик тамойиллари ва инъекция-вольтаик усул асосида ишлатиш жараёнида ишончлилик ва параметрлар барқарорлигини ошириш имконини берувчи кўп бўғинли гомоўтишли, гетероўтишли ва каскодли таркибий транзисторлар “Smart vision” МЧЖ Қўшма корхонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги 33-8/7784-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларини қўллаш коллектор токи ўз-ўзини турғунлашни таъминлаган;

схемотехник ортикчалик, эгизаклик тамойиллари ва комбинацион (фото- ва инъекция-вольтаик) усул асосида ишлатиш жараёнида ишончлилик ва параметрлар барқарорлигини ошириш имконини берувчи кувват кучайтирувчи фотоўзгартиргичлар “Smart vision” МЧЖ Қўшма корхонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги 33-8/7784-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларини қўллаш қурилманинг тинч ҳолатдаги токни турғунлаш ва кўшимча созлашларсиз ишлатиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 14 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 10 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашларда 18 та илмий мақола, шундан: халқаро журналларда 6 та ва республика журналларида 12 та илмий иш нашр қилинган, ЭҲМ учун дастурларни расмийлаштириш бўйича 4 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий қисми 176 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING АСОСИЙ МАВЗУСИ

**Кириш** қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати, тадқиқот натижаларининг

апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб **“Радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларнинг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва инновацион ривожланиш истиқболлари”**да радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларнинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили келтирилган, кўп қатламли яримўтказгичли асбобларнинг қўллашдаги муаммолар аниқланган, инновацион ривожлантириш истиқболлари таҳлил қилинган. Радиотехник қурилмаларда қўлланиладиган каскадлар ва звеноларнинг бажарадиган вазифасидан қатъий назар синфланиши ҳамда ўзига хос пирамида кўринишидаги иерархик тузилиши кўриб чиқилган. Транзисторларнинг таснифларидаги нобарқарорлик ва тешилиш сабаблари ўрганилган. Гетероўтишли ва гомоўтишли фотоқабулқилгичлар таҳлил қилинган ва уларни тайёрлаш технологиясига қўйиладиган талаблар ўрганилган. Қуёш элементларида фото-вольтаик эффект юзага келиш механизми баён этилган. Биполяр транзисторларда кузатиладиган инжекция-вольтаик эффект, яъни транзисторли тузилмаларда тўғри силжитилган р–п ўтишдан заряд ташувчиларнинг инжекцияси натижасида генерация кузатилиши назарий асосланган ва тажрибада аниқланган. Замонавий радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларнинг келтирилган таҳлилидан тадқиқот вазифалари шакллантирилган.

Бажарилган ишлар натижаларидан қуйидагилар аниқланган:

- биполяр транзисторлар асосидаги схемотехник ечимлар бир қатор, ҳали ўзининг аниқ муҳандислик ечимларини топмаган муҳим камчиликларга эга бўлиб, инжекция-вольтаик режимда ишлайдиган биполяр транзисторлар асосида кичик кучланишли рақамли схемаларнинг негиз элементларини синтез ва тадқиқ этиш масалалари эса очик ҳисобланади.


- мазкур бобда кўриб чиқилган оптик нурланиш фотоқабулқилгичлари бир қатор камчиликларга эга: кичик квант чиқиши, иккиламчи тешилиш кучланишининг кичик қиймати ва юқори хароратларда нобарқарор ишлаши, оптоэлектрон схемаларнинг техник параметрлари мувофиқлигини таъминлаш муаммоси мавжуд.

Юзага келган ҳолат янги физик хоссалар асосида аналог ва рақамли радиотехник қурилмаларнинг негиз элементларини синтез қилиш муаммосига янгича ёндашувларни ривожлантиришни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, жумладан, фото-вольтаик ва инжекция-вольтаик эффектларни биргаликда қўллашга асосланган янги катта токли ва кичик кучланишли элементлар базасини яратиш муваффақиятли ҳисобланади. Кўриб ўтилган ҳолатлар фото-вольтаик ва инжекция-вольтаик эффектларни қўллаш асосида ишлайдиган радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларни тузишни янги тамойиллари ва усулларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Адабиётлардаги мавжуд маълумотлар асосида вазифалар қўйилиши шакллантирилган.


Диссертациянинг иккинчи боби “**Фото- ва инжекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосида ишлайдиган бошқарилувчи ток ва кучланиш генераторларини тадқиқ этиш**” қуёш элементларидаги фото-вольтаик эффектнинг диод, биполяр транзисторлар ва тиристорли тузилмалардаги инжекция-вольтаик эффект билан ўхшашлигини тадқиқ этишга бағишланган. Эмиттер ўтишидаги инжекция жараёни инжекция-вольтаик электр юритувчи кучнинг генерация қилишини ҳисобга олган ҳолда р-п ўтишларнинг нозизиқлилиқ хоссалари асосида модель тасаввурларини ривожлантириш, биполяр транзисторлар ва улар асосидаги қурилмаларни қўллашни батафсил илмий асослаш имкониятлари кўрсатилган.

Қуёш элементи ҳамда биполяр транзисторнинг  $R_{Ю}=0$  бўлган ҳолат учун зона диаграммалари мос равишда 1-расмда келтирилган бўлиб, бунда ўтказгичдан қисқа туташув токи оқиб ўтади (1, а ва б-расм).

а)



б)




**1-расм. Қисқа туташув ҳолатида қуёш элементи (а) ва биполяр транзисторни (б) уланиш схемалари ва энергетик зона диаграммалари**

Агар қуёш элементи ва биполяр транзисторли занжир узилган бўлса ( $R_{Ю} = \infty$ ), у ҳолда ўтказгичда мос равишда  $U_{\Phi}$  ва  $U_{ИВ}$  кийматлари тенг бўлган салт юриш кучланиши  $U_{СЮ}$  юзага келади (2, а ва б-расм).


Фото-вольтаик режимдаги қуёш элементи ҳамда инжекция-вольтаик режимдаги биполяр транзисторнинг  $R_{Ю}$  юкламага уланган ҳолат учун зона диаграммалари 3-расмда келтирилган.

Биполяр транзистор учун инжекция-вольтаик кучланиш ва қуёш элементи учун фото-вольтаик кучланиш қийматлари, ҳамда инжекция токи ва фототок қийматлари юклама ( $R_{Ю}$ ) қийматиға боғлиқ.

а)




б)




**2-рasm. Салт юриш ҳолатида қуёш элементи (а) ва биполяр транзисторни (б) уланиш схемалари ва энергетик зона диаграммалари**

а)



б)




**3-рasm.  $R_{Ю}$  юклама уланган ҳолатда қуёш элементи (а) ва биполяр транзисторни (б) уланиш схемалари ва энергетик зона диаграммалари**


Демак, юклама қаршилиги қийматини нольдан чексизликкача бўлган ораликда ўзгартириб, тажрибада фото-вольтаик ва инжекция-вольтаик режимдаги юклама таснифларини олиш мумкин.

$R_{Ю}=0$  бўлганда қуёш элементи учун юклама кучланиши  $U_{Ю}=0$  ва  $I_{Ю}=I_{Ф}$  бўлади.  $R_{Ю}$  қиймати  $R_{КРИТ}$  қийматгача ортса қуёш элементи токи деярли ўзгаришсиз қолади, бу эса ток генератори ҳолатига мос келади, қуёш элементидаги тўғри кучланиш эса ортиб боради. Юклама қиймати етарлича катта бўлганда ( $R_{Ю} = \infty$ ) юклама токи нольга тенг бўлади, бу эса кучланиш генератори ҳолатига мос келади. Бу вақтда салт юриш кучланиши қиймати  $U_{СЮ} = U_{ФВ.ЭДС}$  бўлади.


а)



б)



**4-расм. Бошқарилувчи ток генератори схемалари:  $E_B$  кучланиши орқали (а),  $I_3$  токи орқали (б) бошқарилади**




**5-расм. Инжекция-вольтаик режимда ишлайдиган ZTX968 русумли p-n-p турли биполяр транзисторни юклама ВАТлари: бошқарув  $E_B$  (1-4 эгри чизиклар) (а) ва  $I_3$  (1'-4' эгри чизиклар) (б) бўлган ҳолатлар учун**


Ишчи ҳароратларни ортиши ва катта чиқиш токига эга манбалар нобарқарорлигига турғун бўлган бошқарилувчи ток генераторларини яратиш учун инъекция-вольтаик режимда ишлайдиган биполяр транзисторлар таклиф этилган (4-расм). Инъекция-вольтаик режимдаги биполяр транзисторни тадқиқ этиш National Instruments компаниясининг Multisim 10.1 дастури ёрдамида амалга оширилган.

Биполяр транзистор таснифларининг горизонтал қисми юқори динамик қаршилиқка эга (5-расм), шу сабабли у кичик ички қаршилиқка эга ташқи занжирлар учун ток генератори сифатида қаралиши мумкин.


а)



б)



**6-расм. Биполяр транзисторда (а) ва уч тузилмали гомотаркибий транзисторда (б) бажарилган бошқарилувчи кучланиш генератори схемаси**



**7-расм. ZTX968 русумли р-п-р турли биполяр транзисторни  $E_K$  кучланиш орқали бошқарилишдаги юклама ВАТлари**




Шу билан бирга инъекция-вольтаик режимда ишлайдиган биполяр транзистор бошқарилувчи кучланиш генератори вазифасини бажаради (6-расм), чунки биполяр транзистор таснифининг вертикал қисмида у кичик динамик қаршиликка эга (7-расм).

Қуёш элементидаги фото-вольтаик эффект ва кўп қатламли яримўтказгичли тузилмалардаги инъекция-вольтаик эффектларнинг ўхшашлигини тадқиқ этишда олинган натижалар электрониканинг аналог ва рақамли қурилмаларининг янги катта токли ва кичик кучланишли негиз элементларини яратишга имкон берган. Бошқарилувчи ток ва кучланиш генераторларини яратишда дуаллик тамойили қўлланилган, уларнинг ишчи ҳолатларини турғунлашда инъекция-вольтаик усулдан фойдаланилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Фото- ва инъекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосида ишлайдиган радиотехник элементларнинг тузилиш тамойиллари ва усуллари**”да дуаллик, эгизаклик тамойиллари ва инъекция-вольтаик усул асосида биполяр транзисторларда қўлланиладиган контакт потенциаллар фарқиға тенг кучланиш сатҳларида қайта уланадиган мослашган ҳолда ишлайдиган рақамли схемаларни тажрибада олинган натижалари келтирилган. Бундай масала замонавий рақамли техникада мавжуд бўлган мантиқий сатҳлар кучланишларининг электр қуввати истеъмолини (ва электр схемаларда иссиқлик кўринишида сочилишини) камайтириш мақсадида 1 В ва ундан кичик қийматларгача пасайтириш тенденцияси жиҳатидан долзарб ҳисобланади.


Умумий база уланиш схемасида бажарилган ва инъекция-вольтаик режимда ишлайдиган биполяр транзисторнинг иккита турли ҳолатини кўриб чиқиш асосида қуйидаги хулосаларга келинган (бунда  $E_B = 0,65$  В): калит узилган ҳолат – салт юриш ҳолати (8, а-расм) ва калит уланган ҳолат – қисқа туташув ҳолати (8, б-расм) бўлиб, биринчи ҳолатда чиқишдаги кучланиш паст сатҳ (мантиқий ноль  $U^0$ )га мос келади, иккинчи ҳолатда эса - юқори кучланиш сатҳи (мантиқий бир  $U^1$ )га га мос келади.



**8-расм. Биполяр транзисторнинг инъекция-вольтаик режими: салт юриш (а) ва қисқа туташув (б) ҳолатлари**

Кўриб ўтилган схемаларда калитни инжекция-вольтаик режимда ишлайдиган биполяр транзистор асосидаги электрон калитга алмаштириш мумкин.

p-n ўтишлардаги контакт потенциаллар фарқининг табиий чегараси билан чекланувчи кучланиш манбаида ишлайдиган схемотехник жиҳатдан янги рақамли интеграл микросхемаларнинг негиз ячейкаси ҳисобланадиган комплиментар биполяр транзисторда бажарилган инвертор таклиф этилган (9-расм). Комплиментар биполяр транзисторда бажарилган инверторнинг узатиш таснифини ҳисоблаш услуби ва ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган. Комплиментар биполяр транзистор асосидаги инвертор симметрик узатиш таснифга эга эканлиги аниқланган. Натижалар National Instruments компаниясининг Multisim 10.1 дастури асосида олинган.




**9-расм. Инжекция-вольтаик режимда ишлайдиган биполяр транзисторда бажарилган инвертор киришига мантикий ноль (а) ва мантикий бир (б) берилган ҳолат**


Комплиментар биполяр транзисторда бажарилган инвертор ихтиёрий миқдордаги кириш ва чиқишларга эга бўлган ЁКИ-ЭМАС ва ҲАМ-ЭМАС мантикий элементлар ва бошқа қурилмалар учун негиз ячейка эканлиги аниқланган, уларни яратишда дуаллик ҳамда эгизаклик тамойиллари таклиф этилган. Комплиментар биполяр транзисторда бажарилган инвертор ва ЁКИ-ЭМАС, ҲАМ-ЭМАС мантикий элементларини синтез қилишда инжекция-вольтаик усул қўлланилган.

Тўртинчи боб “**Фото- ва инжекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосида ишлайдиган радиотехник тугунларнинг тузилиш тамойиллари ва усуллари**”да схемотехник ортиқчалик, эгизаклик тамойиллари ва инжекция-вольтаик усул асосида юқори харорат ва

кучланиш манбаи қийматлари нобарқарор бўлган шароитларда ишлайдиган гомоўтишли ва гетероўтишли таркибий транзисторлар ҳамда кўп бўғинли каскодли таркибий инжекция-вольтаик транзисторларни қўллаш имконияти тажрибада ўрганилган. Бунинг учун Дарлингтон жуфтлиги, Шиклаи жуфтлиги, транзисторларнинг каскод уланиш схемалари, ток кўзгузи схемалари каби таркибий транзисторлар танланган.



**10-расм. Дарлингтон схемасида йиғилган кўп каскодли гомоўтишли таркибий транзистор схемаси (а) ва унинг чиқиш таснифлари оиласи (б)**




**11-расм. Шиклаи схемасида йиғилган кўп каскодли гомоўтишли таркибий транзистор схемаси (а) ва унинг чиқиш таснифлари оиласи (б)**

Таркибий транзисторларда ток бўйича кучайтириш коэффициентини ошириш мақсадида кўп каскадли гомоўтишли ва гетероўтишли транзисторлар тавсия этилган (10 ва 11-расмлар).

Гомоўтишли ва гетероўтишли таркибий транзисторлар вольт-ампер тасмнифларини тадқиқ этиш учун мулоқотли компьютерда моделлаш дастури ишлаб чиқилган.

Ўз-ўзидан кўзғалиш хавфини бартараф этиш ҳамда юқори харорат шароитлари ва кескин ўзгарувчи манба кучланишларида юқори ишончилиликни таъминлаш мақсадида каскадли схемаларни қўллаш таклиф этилган, хусусан, кучланиш бўлгич занжирига кетма-кет уланган транзисторлардан ташкил топган кўп бўғинли каскадли транзистор таклиф этилган.

Юқори кучланишли электр қуввати манбаини қайта улаш учун кўп бўғинли каскадли таркибий транзисторларни модуллилиги ва қўллаш имконияти чиқишдаги қувватни юклама токи ҳамда мос равишда кучланиш манбаи кучланишини оширишга имкон берган (12-расм).




**12-расм. n- модулли юқори кучланишли кўп бўғинли каскадли таркибий транзистор**


Ишлаб чиқилган гомоўтишли ва каскадли кучайтиргичли фотоўзгартиргичлар ( $E_g=1,12$  эВ бўлган кремний ( $\lambda=500\div 1100$  нм) ва  $E_g=1,43$  эВ бўлган галлий ( $\lambda=400\div 900$  нм)) учун оптимал спектрал сезгирликка эга эканлиги, ток бўйича кучайтириш коэффициенти икки тартибга ва кучланиш бўйича кучайтириш коэффициенти уч тартибга фарқ қилиши аниқланган.

Гомоўтишли, гетероўтишли ва каскодли таркибий транзисторларда схемотехник ортиқчалик тамойили таклиф этилган. Уларни тадқиқ этишда фото-вольтаик ҳамда инжекция-вольтаик усуллар қўлланилган.

Бешинчи боб “**Фото- ва инжекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосида ишлайдиган радиотехник қурилмаларни тадқиқ этиш**”да схемотехник ортиқчалик, эгизаклик тамойиллари ва комбинацион (фото- ва инжекция-вольтаик) усул асосида фото- ва инжекция-вольтаик эффектларни дискрет биполяр транзисторли тузилмаларнинг барқарорлигини сезиларли яхшилашда қўллаш имконияти келтирилган. Фото- ва инжекция-вольтаик эффектларни биргаликда қўллаш ёрдамида юқори барқарорликка эга фотоқабулқилувчи тугунлар ишлаб чиқилган.




**13-расм. Фото қабул қилувчи тугун схемаси (а) ва унинг юклама ВАТи (б)**




**14-расм. Гетероўтишли кучайтиргичли фотоўзгартиргич схемаси (а) ва унинг юклама ВАТи (б)**

Турли таъқиқланган зона кенгликларига эга бўлган дискрет тузилмалар- фотодиод ва биполяр транзистор асосида бажарилган, коллектор-эмиттер кучланишларининг чегаравий қийматлари ва ишчи ҳарорат диапазонини кенгайтириш имконини берадиган фотоқабулқилувчи тугун таклиф этилган (13-расм). Дискрет кенг зонали фотодиоднинг қўлланилиши спектрал сезгирлик катталиги ва характерини мустақил тарзда оптималлаш имконини берган бўлиб, камчилиги сифатида - кичик фотосезгирликни кўрсатиш мумкин.



15-расм. Гомоўтишли кучайтиргичли фотоўзгартиргич схемаси (а) ва унинг юклама ВАТи (б)



16-расм. Каскодли кучайтиргичли фотоўзгартиргич схемаси (а) ва унинг юклама ВАТи (б)

Мазкур камчиликни бартараф этиш мақсадида гетероўтишли (14-расм) ва гомоўтишли (15-расм) кучайтиргичли фотоўзгартиргичлар таклиф этилган. Улар спектрал сезгирлик дипазони ва кучайтириш коэффициенти бўйича оптималлаш имконига эга бўлиб, юкламага узатилаётган қувват, коллектор-эмиттер кучланиши ва ҳарорат бўйича кенг диапазонда турғун ишлайди.

Симсиз оптик тизимлар, масофадан бошқариш схемалар, оптик датчиклар, оптореле ва бошқа электрон қурилмаларда қўлланилиши мумкин бўлган каскодли кучайтиргичли фотоўзгартиргич таклиф этилган (16-расм).

Ишлаб чиқилган каскодли кучайтиргичли фотоўзгартиргич бир турдаги яримўтказгичли материалдан ясалган биполяр транзистор ва фото қабул қилгич қўлланилган ҳолда юқори фотосезгирликка ва максимал сочилувчи қувватга эга эканлиги кўрсатилган.

Уч тузилмали гомоўтишли таркибий транзисторлар асосида концентраторли фотоэлектр ускуналари двигателларини бошқариш учун содда, самарали ва кучли қизишга чидамли бўлган электрон блок таклиф этилган. Кучайтиргичли фотоўзгартиргичларни яратишда схемотехник ортиқчалик ва эгизаклик тамойиллари таклиф этилган. Қурилманинг ишчи режимларини барқарорлашда комбинацион (фото- ва инъекция-вольтаик) усул қўлланилган.

## ХУЛОСА

Фото- ва инъекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосида ишлайдиган радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларни тузилиш тамойиллари ва усулларини яратиш асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Ишлаб чиқилган схемотехник ортиқчалик, эгизаклик, тескари алоқа, дуаллик тамойиллари ҳамда фото- ва инъекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосидаги радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларни яратиш имконини берган.

2. Фото- ва инъекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосидаги радиотехник элементлар, тугунлар ва қурилмаларни яратиш учун фото-вольтаик, инъекция-вольтаик ҳамда комбинацион (фото- ва инъекция-вольтаик) усуллар ишлаб чиқилган бўлиб, натижада радиотехник қурилмаларнинг ишчи режимлари турғунлашган.

3. Инъекция-вольтаик режимда ишлайдиган, фойдали иш коэффициенти юқори бўлган, ягона тузилмага эга ток ва кучланиш генераторлари ишлаб чиқилган бўлиб, микросхемалар чиқишидаги токни ошириш ва юклама қобилиятини кенгайтириш имконини берган.

4. Комплиментар биполяр транзисторларда бажарилган, ишчи кучланиши 0,7 В гача пасайган кичик қийматларда ишлайдиган, параметрлари ҳароратга турғун ва симметрик узатиш таснифига эга инвертор ва мантиқий элементлар асосида таклиф этилган схемалар мобил радиоэлектрон қурилмалар қувват манбаининг ишлаш муддатини оширган.

5. Кўп бўғинли гетероўтишли, гомоўтишли таркибий ва каскодли транзисторлар оддий таркибий транзисторларга нисбатан кучланиш бўйича 7 маротабага ва ҳароратга нисбатан 3 тартибга барқарорликка эга эканлиги аниқланган бўлиб, улар асосида яратилган кучайтиргичлар мавжуд аналогларига нисбатан юқори самарадорликка эга эканлиги исботланган.

6. Гомоўтишли ва каскодли кучайтиргичли фотоўзгартиргичларнинг спектрал сезгирлик ва кучайтириш коэффициенти бўйича оптималлаштириш имконияти билан фарқ қилиши, юкламага узатилаётган қувват, коллектор-эмиттер кучланиши ва ҳарорат бўйича ишлаш диапазонининг кенглиги уларнинг мавжуд аналогларидан устунликка эга эканлиги исботланган.

7. Ишлаб чиқилган фото- ва инжекция-вольтаик эффектлар қўлланилиши асосида ишлайдиган қувват кучайтирувчи фотоўзгартиргич тинч ҳолат токини барқарорлаш ва қўшимча созлаш ишларини талаб этмаслиги аниқланди, бу хусусиятлар мавжуд қуёш батареялари фотоўзгартиргичларининг қувват кучайтиргичлари самарадорлигини ошириш имконини берган.

8. Диссертация иши натижаларининг ишлатилишидан йиллик иқтисодий самара 830 млн. сўмни ташкил этди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Т.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

**АЛИМОВА НОДИРА БАТИРДЖАНОВНА**

**ПРИНЦИПЫ И МЕТОДЫ ПОСТРОЕНИЯ РАДИОТЕХНИЧЕСКИХ  
ЭЛЕМЕНТОВ, УЗЛОВ И УСТРОЙСТВ НА ОСНОВЕ  
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ФОТО- И ИНЖЕКЦИОННО-ВОЛЬТАИЧЕСКИХ  
ЭФФЕКТОВ**

05.04.02 – Системы и устройства радиотехники, радионавигации, радиолокации и телевидения. Мобильные, волоконно-оптические системы связи (технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.3.DSc/T305.**

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:** **Арипов Хайрулла Кабилович**  
доктор физико-математических наук,  
профессор

**Официальные оппоненты:** **Раджабов Тельман Дадаевич**  
доктор физико-математических наук,  
профессор, академик

**Рахимов Бахтиёржон Незматович**  
доктор технических наук

**Ташманов Эржан Байматович**  
доктор технических наук

**Ведущая организация:** **Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта**

Защита состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.T.07.02 при Ташкентском университете информационных технологий (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № \_\_\_\_\_. Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-44).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года)

**И.Х. Сиддигов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., проф.

**Ж.Х. Джуманов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., доц.

**А. Абдукаюмов**

Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., проф.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В последнее время в мире в бурно развивающейся области микроэлектроники особое место занимают разработки принципов и методов построения радиотехнических элементов, узлов и устройств с повышенным рабочим током, низким напряжением, с малым потреблением энергии и со стабильными параметрами на основе фото- и инжекционно-вольтаических эффектов. В этом аспекте повышение рабочего тока и обеспечение низких рабочих напряжений с малым потреблением энергии требует разработки методов повышения стабильности параметров элементов и устройств радиотехники на основе использования фото- и инжекционно-вольтаических эффектов, что является основной проблемой современной микроэлектроники.

На сегодняшний день в мире большое внимание уделяется изучению фото- и инжекционно-вольтаических эффектов в усилительных полупроводниковых структурах и комплиментарных транзисторных устройствах. В связи с этим проведение исследований, таких как установление взаимосвязи фото-вольтаического эффекта с инжекционно-вольтаическим эффектом, с целью разработки генераторов тока и напряжения с заданными параметрами и последующей адаптацией этих эффектов в электронных переключающих ячейках, а также повышения стабильности параметров гомо- и гетеросоставных транзисторов, и наконец, разработка радиотехнических устройств на основе фото-и инжекционно-вольтаического эффектов с неискаженным выходным сигналом является одной из важных задач современного искусства схемотехники.

В Республике Узбекистан уделяется большое внимание исследованиям по совершенствованию радиотехнических узлов, блоков и устройств различного назначения на основе ранее неиспользованных эффектов, явлений и процессов для повышения качества и эффективности их функционирования. В Стратегии действий по пяти направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи по «... сокращению энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкому внедрению в производство энергосберегающих технологий, повышению производительности труда в отраслях экономики, ...внедрению информационно - коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, систему управления»<sup>1, 3</sup>. В этой связи решение проблем устойчивости функционирования мощных выходных каскадов радиотехнических устройств и силовых коммутаторов на основе полупроводниковых переключающих приборов и снижения напряжения логических уровней до значений 1 В и менее в определенной степени являются основными задачами исследований диссертации.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в ряде указов и постановлений Президента страны, в том числе в четвертом направлении из пяти приоритетных направлений, приведенных в Указе Президента №-УП-4947 «О приоритетных действиях по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, постановлениях Президента № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года и № ПП-3682 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов» от 27 апреля 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере и изложенных в соответствующих законодательных актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Диссертация выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан III. «Энергетика, энерго и ресурсосбережение, транспорт, машинно- и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения» и IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>2,4</sup>**

Научные исследования в области создания составных фототранзисторов проводятся в ведущих научных центрах мира, высших образовательных учреждениях в широком масштабе, в частности, в Institute of Electrical and Electronics Engineers, Massachusetts Institute of Technology, The American Institute of Physics, Cambridge University (США), Physics and Materials Research (Франция), Technical University Munich, Technical University Darmstadt (Германия), The University of Tokyo, Tokyo Institute of Technology (Япония), Seoul National University (Южная Корея), Центральный научно-исследовательский институт связи и его филиалы, Межотраслевой научно-информационный центр, Московский технический университет связи и информатики, Научно - исследовательский институт радио и его филиалы (Москва, Россия), Физико-технический институт им. А.Ф. Иоффе (Санкт-Петербург, Россия), Физико-технический институт НПО "Физика-Солнце" АН РУз, Ташкентский университет информационных технологий и Ташкентский государственный технический университет (Узбекистан).

В настоящее время ведется ряд исследований по созданию радио-

---

<sup>2</sup> Обзор зарубежных исследований по теме диссертации К. Nakajima, N. Usami, Sze S.M . Fundamentals of Semiconductor Fabrication. John Wiley & Sons, Inc., New Jersey, 2004. 305 p., Ж.И. Алферов, В.М. Андреев, В.Д. Румянцев. ФТП, 2004, том 38, вып. 8, С. 937-948., Rumyantsev V.D. Concentrator Photovoltaic. SSOS, 2007. P. 130-151., Muller M, Deline C., Marion B., Kurtz S., Bosco N. AIP Conf. Proc., 2011. P. 331., Zh. I. Alferov, "The semiconductor revolution of the 20th century", Russian Chem. Reviews, 82:7 (2013). P. 587-596, а также проведенного на основе других источников.

